

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РОЗИҚОВ ЖАҲОНГИР МУСТАҚИМ ЎҒЛИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Бухоро вилояти мева-сабзавотчилик кластерлари мисолида)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Economics Sciences**

Розиқов Жаҳонгир Мустақим ўғли

Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришни такомиллаштириш (Бухоро вилояти мева-сабзавотчилик кластерлари мисолида).....3

Розиқов Жаҳонгир Мустақим угли

Совершенствование управления плодоовощными кластерами (на примере плодоовощных кластеров Бухарской области).....27

Razikov Jakhongir Mustaqim ugli

Improving the management of fruit and vegetable clusters (on the example of fruit and vegetable clusters in Bukhara region).....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2020.I.16.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

РОЗИҚОВ ЖАҲОНГИР МУСТАҚИМ ЎҒЛИ

МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
(Бухоро вилояти мева-сабзавотчилик кластерлари мисолида)

08.00.13 – Менежмент

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Iqt1261 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ҳакимов Рашид иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Йўлдошев Нуритдин Қурбонович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Эргашев Раҳматулла Хидирович иқтисодиёт фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2020.I.16.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-57; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: info@tsue.uz

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «__» _____ даги _____ -рақамли реестр баённомаси).

Г.К. Абдурахманова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси и.ф.д., профессор

Р.Х. Карлибаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотларига талабнинг ошиб бориши шароитида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини кондиритиш мақсадида кластер усулида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш кенг йўлга қўйилмоқда. Турли объектив ва субъектив омиллар таъсирида мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш мураккаблашаётганлиги, глобал табиий-иқлим ўзгариши, Covid-19 пандемиясининг дунё бўйича кенг тарқалиши барча соҳалар сингари мева-сабзавот етиштирувчи хўжаликларда ва уларни бошқаришда муаммоли вазиятлар юзага келишига олиб келмоқда. “Дунё бўйича 2021 йилда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш натижасида жаҳон бозорида 290 миллиард долларга баҳоланди. ФАО мутахассислари маълумотида кўра, яқин келажакда «хавфсиз истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш танқислиги кузатилиши» таъкидланган”¹. Ривожланган мамлакатларда мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришда ихтисослашган кластерлар усулидан фойдаланиш орқали тармоқни ривожлантириш, замонавий ресурстежамкор технологияларни қўллаш ҳамда замонавий бошқарув тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда турли экологик инқирозлар ва техноген сабабларга кўра кўплаб ривожланган мамлакатларда мева-сабзавот ишлаб чиқариш улушининг кескин камайиб бориши шароитида мазкур муаммоларни ўрганишга қаратилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, экологик тоза, сифатли маҳсулотларини етиштиришда инновацион технологиялардан фойдаланиш, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини самарали ташкил этиш, рақамли платформа ва технологияларни жорий этиш, мазкур фаолиятни бошқариш самарадорлигини баҳолаш услубиётини такомиллаштириш бу борадаги устувор илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашда аҳолининг арзон ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз ва кафолатли таъминлашга муҳим эътибор қаратилмоқда. Бу борада амалга оширилаётган жадал аграр-иқтисодий ислохотлар шароитида аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш муаммосини ҳал этишда мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва бошқариш устувор вазифага айланмоқда. “Қишлоқ хўжалигидаги ислохотлардан мақсад – иқтисодий фойда кўриш билан бирга, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдан иборат”². Бугунги кунда республикада мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш соҳани янги ривожланиш босқичига олиб чиқувчи омил сифатида эътироф этиш ҳамда замонавий технологияларни жорий этиш ва уларни самарали бошқариш йўналишида илмий тадқиқот

¹ <https://www.fao.org/documents/card/en/c/cb4477en/>

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. //Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь № 271-272 (7229-7230).

ишларини амалга ошириш бугунги кундаги долзарб масалалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388-сон “Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 14 мартдаги ПҚ-4239-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2020 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 июндаги 500-сон “Бухоро вилоятида замонавий агрокластер ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 19 февралдаги 102-сон “Боғдорчилик ва иссиқхона хўжаликларини ҳамда мева-сабзавот кластерларини қўшимча молиявий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон “Ўзбекистон Республикаси агросаноат мажмуи ва қишлоқ хўжалигида рақамлаштириш тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришнинг илмий ва назарий услубиётини, бозор иқтисодиёти шароитида мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқариш механизминини такомиллаштириш ҳамда ривожлантиришдаги муаммолар бўйича мамлакатимиз ва хорижий давлатлар иқтисодчи олимлари турли йўналишда илмий тадқиқот ишларини олиб боришган. Жумладан, хорижий давлат олимлари: М.Е.Porter, J.H.Trienekens, R.A.Stanley, J.Mutura, N.Nyairo, M.Mwangi ва S.Wambugu, M.Mehdi, B.Ahmad, A.Yaseen, A.Adeel, N.Sayyed³ каби олимларнинг бу масалаларга оид концепциялари, назариялари ва амалий изланишларида ўз аксини топган.

МДХ давлатлари олимларидан Е.Б.Фалькович, Д.А.Котляров, Т.В.Цихан,

³Porter M.E. The Competitive Advantage of Nations, London: Macmillan, 1990.; Trienekens J.H. 2011. Agricultural Value Chains in Developing Countries A Framework for Analysis, International Food and Agribusiness Management Review 14 (2): 51- 82.; Stanley, R.A. (2016). Creating new, high value innovative products from vegetables, root and tuber crops. Acta.; Mutura J., Nyairo N., Mwangi M. and Wambugu S., 2016. Analysis of Determinants of Vertical and Horizontal Integration among Smallholder Dairy Farmers in Lower Central Kenya. International Journal of Agricultural and Food Research. Vol. 5 No. 1, pp. 1-13.; Mehdi M., Ahmad B., Yaseen A., Adeel A., Sayyed N., 2016. A comparative study of traditional versus best practices mango value chain. Journal Agricultural Science. Vol.53 (3).

А.С.Хухрин, О.А.Аничкина, Г.Б.Клейнер, Р.М.Качалов⁴, В.В.Митенев, О.Б.Кирик, Н.Н.Балашова С.А.Эрнст, Г.Л.Азоев, В.Н.Иванов, В.В.Пальцев, З.Н.Буржалиева, Ш.Рахими, А.Ю.Сачкова, Р.А.Каримов⁵ ва бошқалар мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва бошқаришда илмий изланишлар олиб борганлар.

Мева-сабзавотчилик тармоғини шакллантириш ва уни ривожлантириш, соҳада янги маҳсулот етиштириш усули ёрдамида кластерларни ташкил этиш ҳамда бошқариш масалалари бўйича мамлакатимизнинг етакчи иқтисодчи олимлари, жумладан Қ.Ҳ.Абдурахмонов, Ё.А.Абдуллаев, М.Ш.Шарифхўжаев, Ш.Н.Зайнутдинов, С.С.Ғуломов, Б.А.Акрамов, К.А.Насирова, Р.Х.Ташматов⁶, Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов, М.Муродова, Б.Зарипов, М.А.Рахматов, Д.М.Қурбонова, Н.К.Йўлдошев⁷ ва бошқалар эришган илмий натижалари мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи корхоналарнинг самарали бошқариш йўллариини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш, ҳозирги кунда мева-сабзавот кластерларини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асосларини такомиллаштириш

⁴Фалькович Е.Б., Котляров Д.А. Аграрный кластер как инновационное направление интеграции в АПК стран таможенного союза и единого экономического пространства. Вестник Белгородского университета кооперации, экономики и права. – М., 2014. – С.72-79.; Цихан Т.В. Кластерная теория экономического развития. //Теория и практика управления. - 2003. - № 5. – С.31-40.; Хухрин А.С. Концепция развития аграрных кластеров в Российской Федерации. Экономика, труд, управление в сельском хозяйстве. 2011. -№ 1(6). – С.15-20.; Аничкина О.А. Принципы формирования кластеров малого и среднего бизнеса в АПК. //Материалы международной научной конференции на тему «Проблемы современной экономики». – Челябинск, 2012. – С.27-39.; Клейнер Г.Б., Качалов Р.М. и др. Формирование стратегии функционирования инновационно-промышленных кластеров. – М., 2007. – С.209-216.

⁵Митенев В.В. и Кирик О.Б. Кластер как фактор развития экономики. //(Электронный ресурс) Режим доступа: [http // journal vscs.ac.ru/php/joi/36/apr36_03.php](http://journal.vscs.ac.ru/php/joi/36/apr36_03.php); Балашова Н.Н. Формирование кластера по производству и переработке нута. //АПК: экономика и управление. – М., 2004. – С.38-41.; Эрнст С.А. Формирование агропромышленного кластера как основы процесса интеграции производственных предприятий: автореф. дис. канд. экон. наук: 08.00.05. - М., 2008. – С.6.; Азоев Г.Л. Управление организацией. – М.: Инфра-М, 2008. – С.736.; Иванов В.Н. Управление конкурентоспособностью предприятий пищевой промышленности региона: на примере Чувашской Республики. Автореф. – Казан, 2009. – С.28.; Пальцев В.В. Совершенствование механизма организации и управления хозяйственными образованиями в промышленности на основе кластерного подхода. Автореф. – Н.Новгород. 2012. – С.24.; Буржалиева З.Н. Организационно-экономические основы инновационного развития садоводства: на примере Республики Дагестан. //Автореф. – Махачкала. 2017. – С.20.; Рахими Ш. Кластеры как фактор повышения конкурентоспособности региона: на примере Согдийской области Республики Таджикистан. Автореф. – Худжанд. 2013. – С.23.; Сачкова А.Ю. Организационно-экономический механизм развития овощеводческих тепличных организаций в условиях членства России в ВТО (на примере Саратовской области). Автореф. – Саратов. 2013. – С.24.; Каримов Р.А. Особенности формирования конкурентных отношений в условиях перехода к устойчивому развитию сельского хозяйства: на материалах Республики Таджикистан. Автореф. – Худжанд. 2012. – С.23.

⁶Абдурахмонов Қ.Ҳ., Имомов В.А. Ўзбекистонда меҳнат потенциалидан самарали фойдаланиш ва уни бошқариш. Монография. – Т.: Академия, 2008. –224 б.; Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2001. –451 б.; Зайнутдинов Ш.Н. ва бошқалар. Менежмент асослари. – Т.: Молия, 2002. 8-б.; Ғуломов С.С. ва бошқалар. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: Меҳнат, 2002. –337 б.; Акрамов Б.А. ва бошқалар. Қишлоқда фермер хўжаликларини юзага келиши ва ривожланишининг асосий тамойилларини белгилаш: услубий қўлланма. – Т., 2007. –23 б.; Ташматов Р.Х. Фермер хўжаликлари кооперацияси ва бозор инфратузилмалари ривожланишини бошқариш: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т., 2010. 12-б.

⁷Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Муродова М. Агротрастер: ташкил этишнинг назарий асослари. //Иқтисод ва молия. 2014. 2-сон. 19-25-б.; Рахматов М.А., Зарипов Б. Трастер – интеграция – инновация ва иқтисодий ўсиш. – Т.: Zamin Nashr 2018. –37 б.; Қурбанова Д.М. Проблемы формирования инновационных кластеров в Республике Узбекистан. – Т.: Иқтисод ва молия. 2010. 66-69-б.; Йўлдошев Н.К., Захидов Г.Е. Менежмент. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2018. –394 б.

заруратининг мавжудлиги, кластерлар билан ҳамкорликда фаолият олиб боровчи субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жараёнида юзага келадиган муаммолар мажмуавий тадқиқ этилмаганлиги, ташкилий, таъминот масалаларининг тўла ўрганилмаганлиги, тармоқни ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш зарурлигини тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2-021-I сонли “Инновацион иқтисодиёт шароитида агробизнеснинг ташкилий-иқтисодий механизмлари, менежмент фаолиятини ривожлантиришнинг илмий-услубий ҳамда амалий асосларини такомиллаштириш” (2021 й.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

республикада мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантириш ва бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини илмий таҳлил асосида тизимлаштириш;

мева-сабзавотчилик кластерларини самарадорлик кўрсаткичларини ва уларни ҳисоблаш усулларини бозор иқтисодиёти тамойиллари талаби асосида тизимлаштириш;

мева-сабзавотчилик кластерларини бошқариш амалиётини умумлаштириш асосида унинг самарадорлигини оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш;

ривожланган давлатларнинг мева-сабзавотчилик кластерлар фаолияти тажрибаларини таҳлил этиш ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш ва самарали бошқарувини бозор тамойилларига мослаш йўналишларини аниқлаш;

давлат ва мева-сабзавот кластерлари ҳамда ҳамкор ташкилотлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мева-сабзавотчилик кластерларини бошқариш ва унинг самарадорлигини оширишнинг 2027 йилгача мўлжалланган прогноз параметрларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятидаги мева-сабзавотчилик кластерларининг бошқарув фаолияти танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети мева-сабзавотчилик кластерлари иштирокчилари ва давлат ўртасидаги фаолият жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида математик моделлаштириш, иқтисодий таҳлил, SWOT таҳлил, тизимли ва қиёсий таҳлил, интеграцион ёндашув, анкета сўров, тизимли ёндашув, таққослаш, таснифлаш усулларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

услубий ёндашувга кўра “мева-сабзавотчилик кластери”, “кластер менежменти” тушунчаларининг моҳияти мева-сабзавотчилик кластерлари-нинг ташкилий асослари, бошқарув тузилмаси, иқтисодий ҳолати ҳамда уларнинг амалга ошириш воситалари ва объектларини эътиборга олган ҳолда ёндашувига кўра такомиллаштирилган;

деҳқон ва фермер хўжаликлари, боғ, токзорлар ва иссиқхоналар, логистика марказлари фаолиятига оид замонавий таркибий бўлинмаларни ташкил этиш орқали “Ўзбекистон мева-сабзавотчилик кластерлари” уюшмасининг истиқболдаги таркиби ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш асосланган;

мева-сабзавотчилик кластерлари субъектларининг ҳамкор ва функционал тавсифдаги хусусиятларини ўзида акс эттирувчи “Кластерларни ривожлантириш ва бошқаришнинг ҳамкорлик матрицаси”га кўра ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари асосланган;

мева-сабзавот етиштиришда меҳнат сарфи ва ёқилги-мойлаш материаллари каби таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда 2027 йилга қадар республикада мева-сабзавот етиштириш ҳажми ошишининг прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш йўналишлари асослаб берилган;

ҳозирги давр учун мева-сабзавотчилик кластери тушунчасининг таърифи бўйича муаллифлик ёндашуви ишлаб чиқилган;

мева-сабзавотчилик кластерларининг замонавий бошқарув тузилмаси асосланган ҳамда иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича тавсиялар берилган;

ташкил этилган мева-сабзавотчилик кластерларининг кучли ва заиф томонларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб борилган ҳамда улар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар берилган;

бозор иқтисодиётидаги рақобат муҳити шароитида мева-сабзавотчилик кластерларининг ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ушбу йўналишда тадқиқотлар ўтказган иқтисодчи олимларнинг қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш ва ривожлантириш ҳамда мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш бўйича илмий-амалий қарашларини қиёсий ва танқидий таҳлил қилиш, тадқиқот жараёнида қўлланилган услубий ёндашув ва усулларнинг асосланганлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мева-сабзавотчилик кластерлари салоҳиятини баҳолашга оид ёндашувларнинг ишлаб чиқилиши, рақобат стратегиясининг уларга хос бўлган асосий хусусиятларининг асослаб берилиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашдаги ресурсларни

бошқаришда маҳсулот сифатини таъминлаган ҳолда таннархни пасайтиришнинг энг оптимал ички имкониятларини математик моделлаштириш усули орқали асосланиши кучли рақобат муҳитида мева-сабзавотчилик кластерларининг ривожлантириш стратегияларини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш корхоналарининг фаолиятини ривожлантириш, экспорт ҳажмини ошириш ҳамда бошқариш стратегияларини ишлаб чиқиш юзасидан соҳага оид амалий йўналишдаги истиқболли режа ва дастурларни тайёрлаш ҳамда “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги менежменти”, “Қишлоқ хўжалиги маркетинги” фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришнинг назарий ва услубий асосларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

услубий ёндашувга кўра мева-сабзавотчилик кластерларининг ташкилий асослари, бошқарув тузилмаси, иқтисодий ҳолати ҳамда уларнинг амалга ошириш воситалари ва объектларини эътиборга олган ҳолда ёндашувига кўра такомиллаштирилган “мева-сабзавотчилик кластери”, “кластер менежменти” тушунчаларининг моҳияти 60412400 – Агробизнес ва инвестицион фаолият, 60411600 – Корпоратив бошқарув таълим йўналишлари талабалари учун мўлжалланган “Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш иқтисодиёти” дарслигида фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 17 мартдаги 106-сон буйруғи, 106-642 рўйхат рақами). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мева-сабзавотчилик кластерларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини кенгроқ тушуниш орқали уни инновацион ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўйича талабаларда назарий билим ва амалий кўникмалар ҳосил қилишга эришилган;

деҳқон ва фермер хўжаликлари, боғ, токзорлар ва иссиқхоналар, логистика марказлари фаолиятига оид замонавий таркибий бўлинмаларни ташкил этиш орқали “Ўзбекистон мева-сабзавотчилик кластерлари” уюшмасининг истиқболдаги таркиби ва бошқарув тузилмасини такомиллаштириш таклифидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан “Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 11 августдаги 03/29-04/5519-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида бошқарувнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда гектаридан ўртача 180 центнер маҳсулот етиштириш ва маҳсулотни қайта ишлаш натижасида 71 млн. сўм соф даромад олиниб, рентабеллик даражаси 138,6 фоиз бўлишига эришилган;

мева-сабзавотчилик кластерлари субъектларининг ҳамкор ва функционал тавсифдаги хусусиятларини ўзида акс эттирувчи “Кластерларни ривожлантириш ва бошқаришнинг ҳамкорлик матрицаси”га кўра ҳамкорликни

ривожлантиришнинг истикболли йўналишларидан фойдаланиш таклифи Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан “Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 11 августдаги 03/29-04/5519-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида кластерлар фаолиятини мониторинг қилиш, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ва соҳанинг барқарорлашуви таъминланган;

мева-сабзавот етиштиришда меҳнат сарфи ва ёқилғи-мойлаш материаллари каби таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда 2027 йилга қадар ишлаб чиқилган республикада мева-сабзавот етиштириш ҳажмини ошишининг прогноз кўрсаткичларидан Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бошқармалари томонидан “Мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш дастури”ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2022 йил 11 августдаги 03/29-04/5519-сон маълумотномаси). Мазкур илмий таклифнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мева маҳсулотларини етиштириш ҳажми 2027 йилда 2021 йилга нисбатан 1,16 баробарга, сабзавот маҳсулотларини етиштириш ҳажми 1,09 баробарга ортиши прогноз қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий ва амалий натижалари 2 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 5 таси хорижий илмий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 29 та жадвал, 27 та расмни ўз ичига олган. Унинг умумий ҳажми 167 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, уларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришнинг илмий-назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантиришнинг илмий-методологик

асослари, мева-сабзавотчилик кластерларини бошқариш механизмининг ҳуқуқий-назарий жиҳатлари ва мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари ёритилган.

Агрокластерлар борасида илмий тадқиқотлар олиб борган мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ч.Муродов, Ш.Ҳасанов ва И.Ғаниевлар ўз илмий тадқиқотлари асосида кластернинг аҳамияти ва ҳудудий ривожланишга қўшадиган ҳиссаси ҳақида қуйидаги хулосаларни келтирганлар: «Кластер рақобатга уч йўл билан таъсир кўрсатади:

биринчидан, ҳудуддаги корхоналар ишлаб чиқариш унумдорлигини оширади;

иккинчидан, келажакда ишлаб чиқариш унумдорлигининг ошишига асос бўладиган инновацияларнинг йўналиши ва суръатини ҳаракатга келтиради;

учинчидан, кластерни мустаҳкамлайдиган ва кенгайтиришга асос бўладиган янги бизнес соҳаларини вужудга келтиради»⁸.

Бу тушунчаларнинг барчасини агрокластерга ҳам татбиқ қилиш мумкин. Кластер ва агрокластер тушунчалари бўйича ҳамма вақт амал қиладиган ягона модель йўқ. Чунки бу тушунчаларнинг моҳияти ва амал қилиши иқтисодиёт ривожини даврларида ўзгариши мумкин. Кластер мураккаб очиқ иқтисодий тизим ҳисобланади. Унинг мураккаблашуви иқтисодиётнинг ўзгаришлари билан бир қаторда атроф-муҳитдаги ўзгаришлар билан ҳам давом этади.

Шулардан келиб чиқиб, тадқиқот жараёнида қуйидаги тушунчаларнинг такомиллашган муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:


Мева-сабзавотчилик кластери – қишлоқ хўжалигида органик, сифатли мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи инновацион боғлам, яъни маҳсулот етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, экспорт қилиш ва аграр сектор корхоналари билан саноатлашган маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида ҳамкорлик асосида фаолият юритувчи субъектлар бирлашувидир.

Кластер менежменти – аниқ мақсад йўлида бирлашувчи субъектлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий муносабатларни замонавий бошқарув усуллари ва тамойиллари асосида бошқаришни ташкил этиш ҳамда юқори иқтисодий самарадорликка эришиш санъатидир.

Мамлакат миқёсида мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш, ривожлантириш ва уларни келгусида банк-молия, суғурта, солиқ тизимидаги муаммоларини бартараф этишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш орқали эришиш мумкинлигини белгилаб беради. Яратилган тизим мева-сабзавотчилик соҳасидаги муаммолар келиб чиқиш сабаблари ва уларни бартараф этиш ечимларини ишлаб чиқиш имкониятини яратиб беради.

Муаллифнинг фикрича, мева-сабзавотчилик кластерларининг инновацион муҳитда ҳамкорлик қилиши, ҳар бир (таълим, ижтимоий, хизмат кўрсатиш ва иқтисодий) соҳа билан узвий боғланиши натижасида замонавий кластерларнинг вужудга келиши билан бирга малакали кадрлар билан таъминланиши зарур.

⁸ Муродов Ч., Ҳасанов Ш., Ғаниев И. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида қайта ишлашни ривожлантиришда агрокластерларни яратишдаги дастлабки қадамлар. / Республика илмий-амалий анжумани маъруза тезислари тўплами, ТДИУ, 2014 йил 30 апрель.



⁹ Муаллиф ишланмаси.

Шу боис, инновацион муҳитда ҳамкорлик тизимини яратиш кластерлар учун мавжуд муаммоларни бартараф этиш билан бир қаторда ривожланиш йўналишларини ҳам белгилаб беради (1-расм).

Кластерларнинг инновацион муҳитда ўзаро ҳамкорлик тизимини яратиш бўйича А.Ю.Скачково ҳам ўз илмий тадқиқот ишида интеграция жараёнини татбиқ этиш ва маркетинг соҳасини чуқурлаштириш, саноатни ривожлантиришда кадрлар масаласига алоҳида тўхталиб ўтган¹⁰. Бу эса кластерларда фаолият юритаётган кадрлар малакаси уларнинг меҳнат самарадорлигига алоҳида эътибор қаратилиши лозимлигини кўрсатиб беради.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавотчилик кластерларининг ташкилий-иқтисодий асослари ва бошқариш тизимининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобда мева-сабзавотчилик кластерларида етиштирилаётган маҳсулотлар ҳажми, уларнинг иқтисодий самарадорлиги динамикаси, мева-сабзавотчилик кластерларининг бошқарув фаолиятининг ҳозирги ҳолати ва мева-сабзавотчилик кластерларининг ташкилий-иқтисодий томонларини ривожлантириш ҳамда бошқаришда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш йўналишлари ишлаб чиқилган.

Мева-сабзавотчилик соҳасида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар соҳа учун қуйидаги иқтисодий-ижтимоий масалаларни ҳал қилиш имконини яратмоқда:

иқтисодий масалада – мева-сабзавотчилик жами ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 32,2 фоизини (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,7 фоизи) ташкил этгани қишлоқ жойларида аҳолининг асосий даромадларидан бири эканлигини кўрсатади. Саноатнинг қатор тармоқлари ривожланишига ўзининг бевосита таъсирини кўрсатади. Шунингдек, ушбу тармоқ мамлакат қишлоқ хўжалиги экспортида салмоқли ўринларни эгаллайди;

ижтимоий масалада – мева-сабзавотчиликни барқарор ривожлантириш самарадорлиги, нафақат қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасига, балки мамлакат аҳолисининг ижтимоий фаровонлигини ҳам оширишга бевосита таъсир кўрсатади.

Тадқиқот объекти сифатида танлаб олинган Бухоро вилоятида мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил этиш босқичи 2019 йилдан бошланган бўлиб, 2021 йилда вилоятда фаолият юритаётган мева-сабзавотчилик кластерлари сони 6 тани ташкил этади. Вилоятда мева-сабзавотчилик учун ажратилган ер майдони 12022 гектарни ташкил этиб, шундан жами 3897 гектар ер майдон кластерлар ва улар билан ҳамкорликда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келади. Шу сабабли вилоятда кластерларнинг мева-сабзавотчилик учун ажратилган ер майдонига нисбатан қамраб олиш даражаси 32 %ни ташкил этмоқда. Қамраб олиш даражаси 2020 йилга нисбатан 0,72 %га кўпайган. Аммо бу мавжуд ер майдонидан самарали фойдаланиш имконияти пастлигини кўрсатиб беради.

¹⁰ Сачкова А.Ю. Организационно-экономический механизм развития овощеводческих тепличных организаций в условиях членства России в ВТО (на примере Саратовской области). Автореф. – Саратов. 2013. – С.24.

Тадқиқот давомида Бухоро вилоятидаги мева-сабзавотчилик кластерларининг фаолияти таҳлил қилинганда фермер хўжаликларига нисбатан иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари юқорилиги ва маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш имконияти мавжудлиги билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, мева-сабзавотчилик кластерларининг бошқарув тузилмаси тубдан фарқ қилиниши, иш ўринларининг яратилиши бўйича ҳам етакчи эканлигини кўрсатмоқда. Кластерлар фаолияти таҳлил қилинганда, мева-сабзавот етиштиришда ўзига хос рақобат муҳитининг шаклланаётганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Бухоро вилоятидаги мева-сабзавотчилик кластерларининг самарадорлик кўрсаткичлари¹¹

Кўрсаткичлар	“USMON SHER SHAMSHOD” мева-сабзавотчилик кластери			“EMIR FRUIT INDUSTRY” мева-сабзавотчилик кластери		
	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2019 й.	2020й.	2021 й.
Жами ер майдони (га)	600	1534,5	1154	-	354	354
Мева етиштириладиган майдон (га)	115	263	263	-	30	30
Сабзавот етиштириладиган майдон (га)	-	-	-	-	40	40
Мева етиштириш (1 га/ц)	2023 йилда ҳосилга киради			-	153	155
Сабзавот етиштириш (1 га/ц)	-	-	-	-	170	176
Маҳсулотларни сақлаш қуввати (тонна)	-	2000	4000	-	500	600
Маҳсулотларни қайта ишлаш қуввати (тонна)	-	10000	10000	-	700	1000
Маҳсулот экспорти (тонна)	-	2054,0	2843,0	-	175	230
Яратилган иш ўрни	53	90	90	-	39	43
Техникалар сони	27	42	45	-	43	45
Ажратилган банк кредитлари (млн. сўм)	-	1 700	-	-	645	1030
Жами харажат (1 га, минг сўм)	47 639	38 467	39 736	-	16 218	18 557
Жами даромад (1 га, минг сўм)	-	46 257	50 452	-	20 955	25 728
Соф фойда (1 га, минг сўм)	-	7 790	10 716	-	4 737	7 171
Йиллик рентабеллик даражаси (%)	-	20 %	26 %	-	29,2 %	38,6 %

¹¹ Бухоро вилояти қишлоқ хўжалиги бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Жадвал маълумотлари таҳлилига кўра, вилоятда фаолият юритаётган кластерлар 2021 йилда 20 %дан 39 %гача юқори рентабелликка эришган бўлиб, асосий даромади 2023 йилдан бошлаб ўсишини кўрсатмоқда.

Йилдан йилга соҳага бўлган эътиборнинг ортиши натижасида 2021 йилда мева-сабзавотчилик кластерларининг сони 146 тадан ортиқни ташкил этиб, мева-сабзавот етиштириш ҳажми 913596 тоннадан ошди. Бухоро вилоятида эса 6 та мева-сабзавотчилик кластерлари фаолият кўрсатиб, 2021 йилда вилоятда 26402 тонна мева-сабзавот маҳсулотлари етиштирилди.

Мева-сабзавотчилик кластерлари бир умумий мақсад йўлида фаолият олиб бориб, асосий мақсад соҳа самарадорлигига эришиш ҳамда экспорт салоҳиятини оширишдан иборат. Аммо бугунги кундаги мавжуд тузилмадаги субъектлар ўзининг мақсадига эга бўлиши керак. Кластерларни ташкил этишдаги муҳим вазифа ҳар бир субъектнинг мақсадини, кластернинг умумий мақсади билан самарали тарзда боғлаши лозим. Акс ҳолда, ҳар бир ташкилот ўз мақсадини амалга оширишга интилади ва кластернинг умумий мақсади амалга оширилмаганлиги туфайли самарасиз фаолият олиб борилади. Шу билан бирга, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг бошқарув фаолиятида юзага келаётган тизимли муаммоларни бартараф этиш ва манфаатларини давлат бошқарув органларида ҳимоя қилиш борасида самарали механизмлар асосида ташкил этиш лозим.


Таҳлилларга кўра, Бухоро вилояти Ғиждувон туманида фаолият юритаётган “Usmon Sher Shamshod” мева-сабзавотчилик кластерининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш ва замонавий бошқарув механизмни яратиш муҳим аҳамият касб этади (2-расм).

Таклиф этилаётган замонавий бошқарув тузилмаси Бухоро вилояти Ғиждувон туманидаги “Usmon Sher Shamshod” мева-сабзавотчилик кластери фаолиятининг тубдан ўзгариши ҳамда маҳсулотлар реализацияси бўйича кластернинг ўзи танлаши ва шартномаларни маҳсулот турлари бўйича тузиш имкониятини яратади.

Бугунги кунда самарали бошқарув тизимининг ташкил этилиши кластерларни ривожлантириш билан бир қаторда, соҳадаги мавжуд муаммоларни тўлиқ бартараф этади. Бошқарувни тўғри ташкил этиш ва уни назорат қилиш бўйича ҳар бир вилоятда вазирлик бошқармалари орқали кластерлар фаолиятини тартибга солиш ва уларни қўллаб-қувватлаш механизмлари йўлга қўйилган.

Кластерларнинг мақсадларига мос равишда уларнинг тузилмаси тузилади. Ҳамма учун бир хил бўлган тузилмани яратиш мумкин эмас. Ҳар бир кластер ўз имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўз таркибий тузилмасини тузади ва барча бўлимларнинг вазифалари аниқ белгиланади.

Шу сабабли, кластерларни бошқарувда самарали фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида зарур бўлган ҳолларда кластерлар мақсадига ҳисса қўшиши мумкин бўлган рақамлаштириш, хизмат кўрсатиш соҳаларини яхшилаш бўйича янги тузилмавий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин.



2-расм. “Usmon Sher Shamshod” мева-сабзавотчилик кластерининг таклиф этилаётган бошқарув тузилмаси¹²

¹² Муаллиф ишланмаси.

Шу билан бир қаторда, тадқиқот ишида вазирлик тизимида фаолият юритаётган кластерлар фаолиятини тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги салмоқли ишларни амалга ошириш мақсадида муаллиф томонидан истиқболда **“Ўзбекистон мева-сабзавотчилик кластерлари”** уюшмасини ташкил этиш учун унинг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди (3-расм).

Мазкур уюшманинг ташкилий тузилмасини ишлаб чиқишда асосий маҳсулот ишлаб чиқарувчи кластерлар фаолиятини назорат қилиш ва уларга шароит яратиш билан бир қаторда соҳани жадал ривожлантириш ҳамда бир тизимда бирлаштириш режа қилиб олинган.

Қуйидагилар уюшманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди:

мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ҳамда улар томонидан лойиҳаларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хўжалик бирлашмалари билан ўзаро самарали ҳамкорликни ташкил этиш;

мева-сабзавотчилик кластерларини ҳудудларнинг салоҳияти, янада ривожланиш истиқболлари, хомашё базаси, мавжуд инфратузилма, меҳнат ресурслари ва бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда жойлаштиришга кўмаклашиш;

мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш жараёнига илғор агротехнологиялар ҳамда ресурсларни тежайдиган техника ва технологияларни жорий этиш, шунингдек, мева-сабзавотчилик кластерлари билан фермер хўжаликлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишнинг шаффоф механизмини яратиш;


юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини кенгайтириш ҳамда мазкур жараёнларга рақамли технологияларни кенг жорий этиш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш;

мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш учун унификацияланган имтиёз ва преференциялар қўллаш ва қўшимча тармоқ сифатида агротуризмни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ички ва ташқи бозорда маркетинг тадқиқотларини ташкил қилиш, тармоқни ривожлантиришнинг ўрта ва узоқ муддатли дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, шунингдек, тармоққа бозор механизмларини кенг жорий қилиш;

мева-сабзавот ишлаб чиқаришини модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, юқори унумли инновацион технологияларни жорий этишда инвестицияларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этишда мева-сабзавотчилик кластерларига кўмаклашиш;

мева-сабзавот ишлаб чиқаришини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият юритишига тўсиқ бўлаётган тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, соҳага оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш.



3-расм. Истикболда таклиф этилаётган “Ўзбекистон мева-сабзавотчилик кластерлари” уюшмасининг бошқарув тузилмаси¹³

¹³Муаллифнинг тадқиқотлари асосида тузилган.

Тадқиқот давомида мева-сабзавотчилик кластерлари фаолиятини ривожлантириш бўйича хорижий давлатлар мева-сабзавотчилик кластерларининг фаолияти таҳлил қилинди ва асосий хусусиятлари белгилаб олинди:

биринчи хусусият – мева-сабзавот маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш бўйича ҳудудий ихтисослашувни амалга ошириш лозимлиги;

иккинчи хусусият – кластерлар таркибидаги турли тармоқлар ўртасида технологик ўзаро алоқалар шаклланганлиги;

учинчи хусусият – кластерлар самарадолигини оширишда инновацион бошқарув усулларида кенг фойдаланиш йўлга қўйилганлиги.

Шунингдек, муаллифнинг фикрича, мева-сабзавотчилик кластерлари фаолияти бўйича хорижий тажрибанинг қуйидаги асосий жиҳатларини республикада жорий этиш мақсадга мувофиқ:

мева-сабзавотчилик кластерларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ишлаб чиқариш харажатларининг маълум бир қисмини қоплаш учун субсидиялар жорий этиш;

мева-сабзавот экинлари уруғчилиги ва навларини кўпайтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида хорижий мутахассисларни кенгроқ жалб этиб, ўқув семинар-тренинглар ташкил этиш;

интенсив технологиялар (томчилатиб, ёмғирлатиб суғориш, дронлар орқали озуқа бериш тизими)ни жорий этиш орқали мева-сабзавот етиштириш ҳажмини ошириш;

мева-сабзавотчилик кластерлари қошида агротуризм фаолиятини ташкил этиш;

жаҳон бозоридаги талабни ўрганиш ва замонавий бозор механизмларини жорий этиш мақсадида онлайн бозор платформаларини шакллантириш ҳамда соҳани рақамлаштириш.

Диссертациянинг **“Мева-сабзавотчилик кластерларини бошқаришни такомиллаштириш”** деб номланган учинчи бобида мева-сабзавотчилик кластерларини ривожлантиришни ташкил этиш ва бошқарув механизмининг бозор тамойилларига мослаш йўллари, мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш, қайта ишлаш тизимини ташкил этишни такомиллаштириш ва мева-сабзавотчилик кластерларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмининг такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган.

Молиявий муаммоларнинг вужудга келиши банк, инвестиция тизимининг ташкил этилиши, қўшимча молиявий ресурсларнинг етарлича эмаслиги, замонавий технологияларнинг қимматлиги билан изоҳланган. Шартномавий муносабатлардаги муаммоларда асосан аниқ ташкилий тизим йўқлиги ва уларни бажаришда масъулиятсизликнинг юқорилиги асос қилинган бўлса, инновацион технологияларни татбиқ этишдаги муаммоларда ҳақиқатдан ҳам технологияларнинг нархи юқорилиги сабабли харид қилишда қўллаб-қувватлаш имкониятларини кенгайтириш ҳамда соҳада қўллашда қатор муаммолар мавжудлиги, божхона тизими билан алоқаларнинг тўлиқ ташкил этилмаганлиги боис, сўровномада кўпчилик ушбу муаммоларни

келтириб ўтган.

Бундан кўринадики, юқоридаги 4 та омил нафақат уларнинг даромадига, балки кластер фаолиятига ҳам салбий таъсир этмоқда. Истиқболда бу кластерлар ва ҳамкор фермер-деҳқон хўжаликлари фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида маҳсулот турини кўпайтириш лозим. Бунинг учун эса ресурсларни кенгайтириш зарур эканлигини билдирилган.

Муаллифнинг фикрича, мева-сабзавотчилик кластерларини янада ривожлантириш ва самарадорлик кўрсаткичларини оширишнинг қуйидаги концептуал йўналишларини татбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига минимал нархлар белгилаш амалиётидан воз кечиш;

- “омборхона гувоҳномалари”ни татбиқ этиш ва ер участкаларига бўлган ижара ҳуқуқидан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш механизминини ишлаб чиқиш;

- замонавий технологияларнинг бир қисмини қоплаб бериш (25 %гача);

- етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини сифатига баҳо бериш ва сертификатлаш бўйича (*bci, organic, global gap, halal, brc*) харажатларини тўлиқ қоплаб бериш;

- замонавий унумли қишлоқ хўжалиги техникалар бир қисмини қоплаб бериш (25 %гача) ҳамда субсидиялаш турларини чегараламаслик;

